

PEDAGOGIK MAHORAT

4
—
2023



ISSN 2181-6883

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

4-son (2023-yil, may)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2023

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНГАНЛИК ДАРАЖАЛАРИ

Жабборов Хазрат Хусенович,
ЖХУ университетлари доценти психология
фналар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Мазкур мақолада миллий тарбия фазилатларини шаклланганлик даражалари, миллий тарбиянинг ижтимоий психологик механизmlари, оиласда фарзанд тарбиясига бўлган муносабатлар, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси методларини билиш даражаси каби масалалар бўйича олиб борилган тадқиқотлар билан танишиши мумкин.

Калим сўзлар: миллий тарбия, фазилат, хусусият, ахлоқ, иллат, таҳди, маънавият, маърифат.

УРОВНИ СФОРМИРОВАННОСТИ КАЧЕСТВ НАЦИОНАЛЬНОГО ВОСПИТАНИЯ

В данной статье можно ознакомиться с исследованиями, проведенными по таким вопросам, как уровни сформированности добродетелей народного воспитания, социально-психологические механизмы народного воспитания, отношение к воспитанию ребенка в семье, уровень владения родителями методиками детского воспитания.

Ключевые слова: национальное воспитание, добродетель, характер, нравственность, пороки, угроза, духовность, просвещение.

LEVELS OF FORMATION OF NATIONAL EDUCATIONAL QUALITIES

In this article, one can get acquainted with the research conducted on issues such as the levels of formation of the virtues of national education, social psychological mechanisms of national education, attitudes towards child education in the family, the level of knowledge of parents' methods of child education.

Key words: national upbringing, virtue, character, morality, vices, threats, spirituality, enlightenment.

Кириш. Биз тарбия ҳақида буюк алломаларимиз айтган юзлаб дурдона фикрларни биламиз. Фарзанд тарбиясини қачондан бошламоқ керак?, деган саволга буюк бобомиз Абу Али ибн Сино: “Бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ бошлаш лозим”, деб жавоб берган. Чунки боланинг маънавиятига ҳам айнан шу пайтдан асос солинади.

Шу боис Ўзбекистон “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” тамойили асосида маърифатли авлод етказиш бўйича тараққиётнинг янги босқичига қадам кўйди. Янги давр шиддати таълим-тарбия тизимига ҳам ўзининг аник, қатъий талабларини қўймоқда. Ушбу талаблар доирасида давлатимизда таълим соҳасида педагогларнинг моддий-маънавий шароити тубдан яхшиланиб, таълим сифатини оширишнинг замонавий технологиялари жорий қилинмоқда.

Асосий қисм. Тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилганда гина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёкараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини миллий ва замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантиришни талаб этмоқда.

Миллий тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда унинг психологик механизmlарини ўрганиш, мазкур масалада оила, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар, олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага қўтаришни тақозо этади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Ватангага садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар ёшлар онгига назарий тушунчалар сифатида қолиб кетгани ҳолда унинг табиатида амалий одатларга айланмаяпти. Бунинг оқибатида уларнинг ушбу фазилатлар ҳақидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён бўлмоқда, бу эса ҳар йили мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.

Айрим ўкувчи-ёшларда юксак мақсадларнинг шаклланмаганлиги, ўзини ўзи ўқишига сафарбар қилиш, ирова, матонат, тиришқоқлик, ҳаракат фазилатлари етарли ривожланмаганлиги таълим сифатига ҳам зарар кўрсатмоқда.

Масала юзасидан адабиётлар таҳлили миллий ва маънавий тарбия соҳасида ўқитувчиларнинг фаолиятини методик таъминловчи ўкув материаллари, шу жумладан, миллий ва маънавий тарбия соҳасига оид методик қўлланмалар, ўкувчилар учун зарур дарсликлар етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан бугунги глобаллашувнинг шиддатли ва ахборий шароитида миллий тарбиянинг ижтимоий-психологик механизmlарини тадқиқ қилиш орқали оиласдан тарбияси учун таянч фазилатларни шакллантириш, мазкур фазилатларга уларни одатлантириш, тарбияда тушунтириш/кўрсатиш/ўргатиш/намуна бўлиш каби таъсирчан усувларни ислоҳ қилиш ва шу орқали маънавий тарбия тизимини янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Оилада миллий тарбия ва фарзанд тарбияси ҳақида гап кетганда беихтиёр таникли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” [1] деган чуқур маъноли сўзлари инсон эътиборини тортади. Кўплаб олимлар ўз тадқиқотларида маънавий таназзулнинг асосий омиллари бўйича қатор изланишлар олиб боришиди, ҳар хил қизиқарли таҳлилий маълумотлар асосланди, лекин буларнинг ичидаги одамни ташвишига соладиган, бир қараганда эътиборсиздек туйиладиган, лекин оқибати таназзулга, жоҳилликка олиб борадиган бир омил, яъни оиласдан тарбиясига эътиборсизлик иллати миллатнинг маънавий танназулининг асоси десақ, ҳечам муболага бўлмайди.

Хўш, нега бугун ота-оналар фарзанд тарбиясига эътиборсиз? Фарзанд тарбияси билан шуғулланишига қандай омиллар тўсқинлик қиляпти? Ота-оналар фарзанд тарбиялаш методларини биладими? Мазкур саволлар бизни масаласидан ҳамма учун бир тилдаги оптималь ечим топиш вазифасини кўймоқда. Бугун бутун дунёда инсон капитали учун кураш, энг катта сармоя фарзандни билимли бўлишига, тарбиясига тикилаётган бир вақтда бизда фарзанд тарбиясига эътиборсизлик иллат ва таҳдиди кучайиб бормоқда.

Оилада фарзанд тарбиясига эътиборсизлик иллати бир қатор қарорларда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 28-июлдаги ПҚ-3160-сонли [2], 2019-йил 3-майдаги ПҚ- 4307-сонли[3], 2021-йил 26-марцдаги ПҚ- 5040-сонли Қарорлари[4] ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31-декабрдаги 1059-сонли[5] қарорида ички таҳдид сифатида қайд қилиниб, мазкур таҳдидларни юзага келтирувчи педагогик, психологик омиллар бўйича тадқиқотлар олиб бориши, мазкур таҳдидларга нисбатан психологик-гоявий кураш олиб бориши вазифаси кўйилди.

Юкоридаги масалани нечоғлик хавотирли ва долзарблиги тўғрисидаги мулоҳазаларни асослашда биз томонимиздан бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш, баҳолаш, устувор йўналишларни аниқлаб, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш ва зарур мақсадли ва манзилли психологик тавсиялар ишлаб чиқишига қаратилган миллий тарбиянинг ижтимоий-психологик механизmlари мавзуси бўйича жойларда текширилувчилар билан сухбат, эксперт-интервью, сўровлар (ижтимоий-психологик), кузатиш, контент таҳлил, моделлаштириш, математик статистика (spss дастури), гипотетик-дедукция, визуализация, лонгитюд мониторинг ва маънавий маркетинг каби методлар орқали ўрганишлар олиб борилди ва қуидагича эмпирик натижалар қайд қилинди(1-жадвал).

1-жадвал

Респондентлардан ота-оналарнинг фарзандига яхши тарбия бериши учун нима халақит беряпти деб ўйлайсиз? деб берилган сўровнома натижалари

Мезонлар	Худудлар кесимида					
	Навоий вил.	Жиззах вил.	Сирдарё вил.	Самарқанд вил.	Бухоро вил.	Тошкент шаҳри
Ота-оналар тарбия методларини билмайди ва тарбиядаги масъулиятини англамайди	60%	57,4%),	57%	53%	44%	50%

Бизнинг тадқиқотимиз давомида миллий тарбияда таянч маънавий фазилатларни шаклланганлик даражалари ва аҳолининг ички ва ташқи таҳдидлардан хабардорлик даражаларини аниқлаштиришга қаратилган ўрганишларимиз қуидаги эмпирик кўрсаткичларни қайд қилди (2-жадвал).

2-жадвал


“Аҳолининг ички ва ташқи таҳдидлардан хабардорлик даражаси”

№	Таҳдидлар номи	паст	ўртача	яхши
12	Оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик	55 %	22, 2%	22,8 %
11	Эл-юрт тақдирига лоқайдлик	49 %	31 %	20 %
10	Миллий қадриятларга эътиборсизлик	47 %	22 %	31 %
9	ОИТС	43,3%	27,1%	28,8%
8	Эрта турмуш қуриш	42,2 %	35,5%	22,3%
7	Тероризм, Диний экстремизм	41,5%	26,6%	31,8%
6	Оилавий ажралишлар	41,2%	35,5%	23,3%
5	Наркобизнес	40,6%	33,4%	26%
4	Ўз жонига қасд қилиш	40,4%	23,4%	36,2%
3	“Оммавий маданият”	39 %	29,3%	31,7%
2	Одам савдоси	38,8%	28,8%	32,4%
1	Махаллийчилик, уруғ-аймоқчилик	36,6 %	31,2 %	32, %

Ўрганишларда маълум бўлдики, текшириувчиларнинг аксарияти барча таҳдидлардан етарлича огоҳ ва хабардор эмас. Таҳдидларни танимаслик, унинг оқибатларидан огоҳ эмаслик унга чалинишни тезлаштиради. Бу каби холатлар эса муайян тарбиявий бўшлиқни пайдо қилмоқда. Демак миллий тарбиямизда ўзига хос маънавий қусурлар намаён бўлмоқда, яъни аҳолимизда керакли таянч маънавий фазилатлар шаклланмаган. Ўз-ўзидан ушбу кўрсаткичлар мазкур масалага дахлдор профилактика ишларимизни таъсирчан методларга эга эмаслигини кўрсатади(1-расм).

1-расм

Респондентлар орасида оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик таҳдидидан хабардорлик даражаси бўйича ўрганишларнинг эмпирик натижалари




Оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик таҳди迪 ахоли орасида бошқа таҳдидларга нисбатан хабардорлиги пастлиги бўйича 55%, яъни салбий кўрсаткичга эга. Бу аҳолининг оиласида ёшлар тарбияси, миллий тарбия билан боғлиқ ишларда сусткашликлар кўп эканлигини ёки тарбия масаласига паст муносабатда эканлигини кўрсатади. Бу иллатнинг салбий оқибатларидан кўпчилик бехабар.

Миллый тарбиянинг шакланишида миллый қадриятларнинг ўрни ҳам алоҳида ўзига хос асосли психологик омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз мазкур масала бўйича ўрганишларни амалга оширдик (2-расм).

2-расм

Респондентлар орасида миллый қадриятларга эътиборсизлик таҳдидидан хабардорлик даражаси бўйича ўрганишларнинг эмпирик натижалари




Масала юзасидан ўрганишлар, яъни аксарият респондентларнинг фикрича, ёш ота-оналар ўз фарзандларига миллый қадриятларни ўргатмаяпти, шу сабабли ёшларимиз миллый қадриятларни ҳурмат килмаяпти, аксинча, “оммавий маданият”га замонавий маданият деб тақлид қилиш каби салбий жиҳатлар кўпайиб бормоқда деб таъкидланди.

Оиласида миллый тарбия функциясининг ишламаслиги оилавий низолар ва оилавий ажримларни кўпайтираётганлиги кўпчилигимизга сир эмас ва биз шу сабабли ҳам мазкур фаразга аниқлик киритиш учун ушбу маслани ўргандик (3-расм)

3-расм

Респондентлар орасида оилавий ажримлар таҳдидидан хабардорлик даражаси бўйича ўрганишларнинг эмпирик натижалари



Биз тадқиқотимиз давомида ёшлар орасидаги жиноятчилик омилларини ҳам етарлича тарбия топмаганлик омили билан боғлиқ деб ўйладик ва мазкур фаразимизни ҳам текшириб кўриш учун

респондентлар орасида ўрганишлар олиб бордик ва куйидагича қизик ва хавотирли эмпирик натижаларни кўлга киритдик (4-расм)

4-расм


Респондентлар орасида “Сизнингча, ёшлар орасидаги жиноятчиликни юзага келтираётган асосий омиллар нималардан иборат?” деб сўралган сўровнинг эмпирик натижалари



Тадқиқотимиз давомида оиласда фарзанд тарбиаси учун ажратилаётган вақт, яъни ота - она бир кунда ўз фарзанди билан тарбия бўйича қанча вақт мулоқотда бўлади, шуни ҳам ўргандик ва куйидагича эмпирик натижалар қайд қилинди (5-расм)

5-расм

Респондентлар орасида “Сиз ўз фарзандингиз билан тарбия борасида мулоқот уюштирасизми?” деб сўралган сўровнинг эмпирик натижалари



Аслида мазкур қайд қилинган ҳолат ёшлар орасидаги жиноятчиликка сабаб бўлаётган омиллардан бири ҳисобланади, яъни икки авлод орасидаги ўзаро мулоқотнинг уюштирилмаслиги, оқибатда ота-она ва фарзанд бир-бирида кечётган кечинмалар, ўзгаришлардан бехабар қолади.

Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунёю охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллиму устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатлантирилса, ҳайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Гуноҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади”.

Тарбия масалаларига эътиборсиз қаралган вазиятда юзага келадиган кўнгилсизликлар ҳам, у келтириб чиқарадиган заарли оқибатлар ҳам барчамизни огоҳликка даъват қилмоғи лозим.

Аммо бугун қайсиdir даврада шу ҳақда фикр билдирилса, аксарият ота-оналарда масалага дахлдорлик билан эмас, аксинча ўз лоқайдликларини хастпўшлаш учун сизга: “Хозир замон жуда қийин бўляпти, тириклик учун югурмасанг бўлмаса!”, “Нима қилай болаларим ейман, ичаман дейди, қийим-кечагини айтмайсизми, бизга осон эмас...”, “Ҳа, энди ўзи омон бўлса, тарбияси бир гап бўлар...” деб жавоб беришади.

Биз тадқиқотимиз давомида ота-оналар ўз фарзандини педагогик назорат қиляптими ёки йўқми, шу каби ҳолатларни ҳам ўргандик ва куйидагича ҳолатларни аниқладик (6-расм).

Ота-оналар томонидан фарзандларнинг педагогик назорат қилиниши бўйича ўтказилган сўровлар натижалари

■ Назорат суст

■ Дарс тайёрлаш жараёнини назорат қиласди (%)

■ Кимлар билан дўст бўлишини назорат қиласди (%)

■ Бўш вақтини қандай ўтказишини назорат қиласди (%)

■ Китоб ўқишини назорат қиласди



Демак биз оилада фарзанд тарбиясига эътиборсизлик ички таҳдидини мазмун-моҳияти, унинг инсон, халқ, миллат учун аянчли оқибатлари тўғрисида аҳоли орасида кенг кўламдаги мақсадли ва манзилли профилактика тадбирларни олиб боришимиш мақсадга мувофиқ. Зеро, буюк ватандошимиз Имом Фаззолий айтганидек “Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан холи бир қимматбаҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қиласди, қаёққа букилса, эгилади.

“Ҳа энди ўзи омон бўлса, тарбияси бир гап бўлар...” айнан мана шундай бепарволик, эътиборсизликнинг ортида бутун бир миллатнинг маънавий таназзули нақд. Шундай экан, бугун мазкур масалани ҳар бир ота-она бу борада олиб бораётган ишларига бир назар ташлаб кўришлари лозим. Зеро, бугун илм-фан ва таълим изчил ривожланиб бораётган бир даврда ҳеч шак-шубҳасиз тарбия таълимнинг асосида туриши шартдир. Шу боис, илм-фан таълим-тарбия асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Қолаверса ота-оналарни фарзанд тарбияси масъулияти тўғрисида Конституциямизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар бокиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, фарзанднинг тарбияси билан қизиқмаган, етарлича ғамхўрлик кўрсатмаган ота-оналар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддаси билан айланадилар.

Эътибор килиб қараладиган бўлса, “ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар бокиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”, дейилган моддага бу ерда икки мажбурият борлигини кўрасиз. Бири - бокиш, иккинчиси - тарбиялаш. Бизда бола бокиш муаммоси, яъни боламга нима едириб-ичирсан экан, деган муаммо йўқ. Бунинг тасдиғига мамлакатимизда ҳар иккинчи оилада машина тургани; АҚШнинг Калифорния университети олимлари ўтказган тадқиқотларда жаҳоннинг энг баҳти 158 та мамлакати орасида Ўзбекистонимизнинг 44-ўринга чиққанининг ўзи жавоб.

Бироқ иккинчи мажбурият - тарбиявий мажбуриятни таъминлашда ота-оналар муаммога дуч келмоқда. Яъни, пули кўп, бироқ болани қандай тарбиялаш керак, деган саволларга жавоблари - кам.

Уларда педагогик компетентлилик - билим, кўникма, малака, хоҳиш етишмаётгани сезилмоқда, деб тақидлайди педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов ўзининг “Бугун ҳар бир ота-она педагог бўлиши керак” деб номланган мақоласида.

Демак, бугунги кунда ота-оналар кўпроқ тарбиялаш мезонлари ва методлари ҳакида ўйлашлари лозим.

XXI асрда баркамол фарзанд тарбиясининг негизи сифатида оила (ота-она), мактаб (педагог), маҳалла (кўни-кўшни, нуронийлар, маҳалла фаоллари), ижтимоий муҳит (тенгқурлари, атрофидаги инсонлар) ўз мавқенини сақлаб қолаверади.

Шахсни тарбиялаш қуидаги манбалар асосида амалга оширилиши мумкин:

- муайян тизимли, узлуксиз миллий тарбиявий, дастурий таъсир орқали;
- идеал, намуна тимсолида ўз-ўзини тарбиялаш, такомиллаштириш;
- ижтимоий муҳитдаги шахслараро муносабатда таҳдил қилиш, ибрат олиш воситалари ёрдами билан хулқ-одоб, фикрлаш малакаларини эгаллаш;
- аждодларимиз яратган бадиий, фалсафий, санъат асарларини ўзлаштириш орқали янги хислатларни ўзлаштириш кабилар.

Бугун ҳар бир ота-она педагог бўлиши лозим, тарбия методларини пухта ўзлаштирумоги шарт, чунки фарзанд таълим-тарбиясига тикилган сармоя энг катта сармоядир.

Педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов [6] ўзининг “Бугунги ҳар бир ота-она педагог бўлиши керак” деб номланган мақоласида бугунги ота-оналарнинг фарзанд тарбиялашдаги таъсирчан методлар тўғрисида қуидаги қарашларини илгари суради. Жумладан, олимни таъкидлашича, фарзанд тарбиясидаги энг таъсирчан метод бу- ўргатиш методи. Чунки унинг ичida тушунириш ҳам бор, сухбат ҳам бор, кўрсатиш ҳам бор, айтиш ҳам бор, намуна ҳам бор.

Шуни унутмаслигимиз керакки, юрт келажаги, ватанимиз тараққиёти ва халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимиз ва ёшларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқдир. Шу сабабли ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиқсан холда, униб-ўсиб келаётган ёшларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, оиласда фарзанд тарбияси - оила баҳти, фарзандларнинг тарбияли етук инсон бўлиб етишидаги ота-онанинг саъй-ҳаракати хисобланади. Оиласдаги фарзанд тарбияси унинг келажакда ким бўлиб етишишида муҳим ўрин тутади. Демак, бола оиласда жамиятнинг қиёфасини кўради, бўлажак фуқаронинг табиати, дунёкараши ва ахлокий қиёфаси оиласда шаклланади ҳамда шунга кўра камол топиб боради.

Фарзандларимизни илм-фан ва таълим-тарбия асосида вояга етказиш мақсадга мувофиқ экан, ўз ўрнида тарбия эса миллий фазилатларга йўғрилган миллий тарбия билан чамбарчас боғлиқдир. Зоро, ёшлар келажак эгалари хисобланади. Ёшларимиз таълим-тарбиясида эса миллий тарбия катта аҳамиятга эга. Энг муҳими, фарзандларимиз тарбиясига эътиборли бўлайлик, айнан шу мезон болаларимизни маънан, руҳан соғлом, ўз ота-боболарига, тарихимизга, Ватанимизга, она тилимизга, ўз миллий қадриятларимизга хурмат билан қарайдиган баркамол бўлиб ўсиб унишининг асосидир.

Адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини оширишга бағишлиланган видеоселектор йигилиши <https://www.xabar.uz/talim/shavkat-mirziyoyev-maktablarda-qanday>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/3360950>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон Қарори <https://lex.uz/docs/4320700>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомилаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон Қарори <https://lex.uz/docs/5344692>

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли Қарори

6. Куронов М. “Хар бир ота-она педагог бўлиш керак” мақола.
<http://www.adolatnashr.uz/uploads/17.Oila.2016.pdf>.

5. Jabborov X.X. Ёшларда миллий тарбия шаклланишининг психологик қонуниятлари. Oriental renaissance: innovative, educational, natural and social sciences scientific journal. VOLUME 2 | ISSUE 1 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor. SJIF 2021: 5.423. <https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-1-209-219>.

6. Жабборов Ҳазрат Хусенович. Миллий тарбиянинг қадимий ва замонавий ижтимоий-психологик омиллари. Таълим ва инновацион тадқиқотлар образование и инновационные. Халқаро илмий-методик журнал. Исследования education and innovative research № 9, 2022 сентябр. Б. 270-283

7. Ҷабборов Ҳазрат Хусенович Социально-психологические индикаторы национального воспитание. Science and education scientific journal ISSN 2181-0842. Volume 3, Issue 3 . March 2022. Page 1082-1089. <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/2883>

8. Jabborov Kh.Kh. The study of the problem of national education by eastern thinkers. International Journal of Pedagogics (ISSN – 2771-2281) VOLUME 03 ISSUE 02 Pages: 14-20 SJIF IMPACT FACTOR (2021: 5. 705) (2022: 5. 705) (2023: 6. 676) OCLC – 1121105677/ Online Link:-
<http://theusajournals.com/index.php/ijp/article/view/765>